

Qishloq hayoti

2012 йил Мустаҳкам оила ўли

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 29-MART, PAYSHANBA, 38 (7967) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



Жамил Норсобилов (УзА) олган сурат.

Юртимизда баҳор

▼ ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД УЙЛАРИ

ЗАМОНАВИЙ ТУРАР ЖОЙЛАР ҚАТОР-ҚАТОР

2012 ЙИЛДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИХАЛАР АСОСИДА ЕТТИ ЮЗТА ЗАМОНАВИЙ УЙ ҚУРИЛАДИ

Мамлакатимизда қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, чекка ҳудудларда ҳам замонавий меъморлик талаблари асосида қулай ва шинам турар жойлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

Фарғона вилоятида ўтган йили 32 массивда намунавий лойиҳалар асосида 675 уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йилда ҳам қишлоқларнинг қиёфасини янада яхшилаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, барча қулайликларга эга, замонавий уй-жойлар барпо этиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.



– Шаҳардаги уйлarda қандай шароит яратилган бўлса, намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уйлarda ҳам ана шундай қулайликлар муҳайё этилмоқда, – дейди "Нуроний" жамғармасининг вилоят бўлими раиси Топволди Холдоров. – Бундай уй-жойлар қишлоқларимиз кўрkiга-кўрк қўшмоқда. Олтириқ туманидаги Бугдойчи, Чинортаги ва Мирфозил мас-

сивларида ўтган йили янги уйлар қад ростлади. Намунавий лойиҳа асосида барпо этилган мазкур уйлarda истиқомат қиладиган оилаларга барчанинг ҳаваси келмоқда. "Йигитали Асқарали" фермер хўжалиги раҳбари Асқарали Турсунов ҳам 2011 йилда Чинортаги массивида қурилган уч хонали уйга кўчиб ўтди.

– Анча йил илгари фарзандларим учун ўзимиз уй қурган-

дик, – дейди А.Турсунов. – Эҳче, қанча ташвиш, қанча югур-югур бўлганди ўшанда. Битта уйни қургунча йиллаб ташвиш чекдик. Ҳалиям камчиликлари туггани йўқ. Бу сафар уй қуриш ишларига умуман аралашмадик. Қурилиш ишлари сифатини кўриш учунгина хабар олиб турдик. Бундай катта имконият яратиб берган Юртбошимиздан гоят миннатдормиз.

Ҳа, жойларда жадал давом этаётган бунёдкорлик ишлари қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Бу ишларнинг барчаси халқимиз фаровонлигини ошириш, қишлоқларда шаҳардагидан қолишмайдиган замонавий шарт-шароитлар яратиш ва одамларнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлаш йўлида амалга ошириладиган лойиҳалар асосида қад кўтараятган уй-жойларни бунёд этишда уларнинг ташқи кўриниши, сифати билан бирга, буюртмачининг талаб ва эҳтиёжлари, маҳаллий шароит ва менталитетимизга хос бўлган жиҳатлар ҳам инобатга олинмоқда.

Мустаҳкам оила йилида вилоятнинг 28 массивида 700 янги уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, айни кунда бу борадаги ишлар қизгин давом этмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2012 йил 27 март кунини Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтерро тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирманчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисида ШХТ ҳудудда террористик, сепаратистик ва экстремистик характерга эга янги хавф-хатарлар пайдо бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш соҳасида ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари чегара хизматлари вакилларида иборат экспертлар гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг террористик, сепаратистик ва экстремистик фаолиятни наркотиклар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний савдоси ҳисобидан молиялаштириш каналларини ниқлаш ва уларнинг олдини олиш масалалари бўйича қўшма чора-тадбирлари режаси тасдиқланди.

Йирик халқаро тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш борасида ҳамкорликдаги чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича мавжуд тажриба асосида ШХТга аъзо давлатлар ҳудудидега ўтказилган йирик халқаро тадбирлар пайтида хавфсизликни таъминлаш бўйича ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ҳамкорлигини мувофиқлаштирувчи доимий фаолият кўрсатувчи механизм ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш масалалари кўриб чиқилди ва ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг компьютер тизимларидан террористик, сепаратистик ва экстремистик мақсадларда фойдаланиш ёки фойдаланиш хавфининг олдини олиш ҳамда унинг йўлига тўсиқ қўйиш борасидаги қўшма чора-тадбирлари юзасидан келишиб олинди.

Мажлисида ШХТ МАТТ Кенгашининг ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашига ШХТ МАТТнинг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди, ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори Ж.М.Жуманбековнинг ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, ШХТ МАТТ Кенгаши қарорлари амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахбороти тингланди. ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури лойиҳаси маъқулланди.

ШХТ МАТТ Ижроия қўмитасининг 2011 йилдаги фаолияти ижобий баҳоланди.

ШХТ МАТТ Кенгаши томонидан 2013 йил 1 январдан бошлаб ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори лавозимига Хитой Халқ Республикаси вакили Чжан Синьфаннинг номзоди маъқулланди ва уни ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этиш тавсия қилинди.

Кенгаш ташкилий ишлар ва кдрларга, ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятининг молиявий таъминотига доир масалалар юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилди.

ШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2012 йил сентябрь ойида Қирғизистон Республикаси ҳудудидега ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда ўтди.

УзА

САНОАТЧИЛАР ФОРУМИДА САМАРАЛИ КЕЛИШУВЛАР

Пойтахтимизда «Uzbekistan Industrial Forum – 2012» III Халқаро саноат форуми бўлиб ўтмоқда. Унда бир йўла бешта ихтисослаштирилган кўргазма – «UzMetal – MashExpo – 2012», «UzMiningExpo – 2012», «UzChemPlastExpo – 2012», «UzPromStroyExpo – 2012», «UzSpectechExpo – 2012»ларда маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

«IEG Uzbekistan» компанияси ташкилотчилигида ўтказилган тадбирнинг асосий кўмакчилари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, «Ўзмонтажмахсуқурилиш» уюшмаси, «Узавтоўл» ва «Ўзкимёсаноат» компаниялари ҳамда Ички ишлар вазирлигининг Ёнги хавфсизлиги Бош бошқармасидир.

Анжуманининг очилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида иқтисодий таркибий ва сифат жиҳатдан ўзгартириш, айниқса, саноат тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз саноатни ривожлантириш борасида катта имкониятларга эга. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ошмоқда. Биргина мисол, 2000 йилда ялли ички маҳсулотда саноатнинг улуши 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга өтди.

Бу каби тадбирлар эса юртимизга инвестицияларни жалб этиш, халқро ва ички иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, соҳада амалга оширилаётган модернизация жараёнини тезлаштириш, техник воситалар, замонавий технологиялар билан тўлди-



ришга кўмак беради. Ушбу тадбирдан самарали натижалар кутилмоқда. Саноат форумининг бирлашган экспозицияда 10 га яқин мамлакатдан 50 дан ортиқ компаниялар иштирок этмоқда.

Саноат форуми кўргазмаларида кон бозоридега жаҳонга танилган пешқадам компанияларнинг ускуна ва техника воситалари намойиш этилмоқда. Кимё саноати учун хомашё, материаллар, қайта ишлаш ускуналари, техника ва технологиялар ҳамда бошқа экспонатлар намойиш этилган. Уларга жаҳоннинг ётачки компаниялари қизиқиши катталиги соҳада ҳамкорлик учун катта имкониятлар мавжудлиги ҳамда инвест-

тицион лойиҳалар юқори эканлигини кўрсатади.

Бу йилги кўргазмалар қамров жиҳатдан янада кенгайди. Унга кимё саноати ва қурилиш саноати каби йўналишлар қўшилди. Умуман олганда, кўргазмалар фавжум. Иштирокчилар саноатнинг сўнгги янгиликларидан бохабар бўлмоқда. Юқори технологиялар, замонавий ускуналар билан яқиндан танишмоқдалар.

Саноат форуми соҳада ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётга хизмат қилади. Зеро, замонавий технологиялар ривожланиш негизидир.

Анвар КУЛМУРОВОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

«ФАЙЗ»НИНГ ФАЙЗЛИ ОДИМЛАРИ

Бугунги кунда «Файз» холдинг компанияси тизимида мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 24 та корхона бирлашган ҳолда фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, оҳоли фаворонлигининг юқалиши мебель ва жиҳозларга бўлган талабнинг ошишига омил бўлмоқда. Компания ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимиз мебель саноатини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ҳамда ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёдан фойдаланишни янада кенгайтиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

– Ўтган йил якунига кўра, мебель саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 11,8 фоизга өшди, – дейди «Файз» холдинг компанияси раиси Мукаррамхон Азимова. – Бунга эришишнинг асосий омилли соҳани модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқариш сифатини оширишдир. Бу жараёнда бизга кўрсатилган амалий ёрдам ва яратиб берилган шартондан мамнунмиз.

Айни кунда компания тасарруфига кирган корхоналарда қўшимча янги иш ўрни яратилишига

ҳаракат қилинаётир. Бунинг учун инвестицион лойиҳаларни амалга татбиқ этиб, тайёрлов корхоналарини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, маҳаллий хомашёдан фойдаланиш, уларни ўзимизда ишлаб чиқариш масаласини ҳал этиш ҳисобига маҳсулот таннархини туширишга жадал киришилган. Хусусан, ДСП, МДВ ҳамда ДВП сингари қилиқчи ва талапи плиталарни четдан келтирилишини камайитиришга эришиш йўлида изланиш олиб борилмоқда. Шу боис, кадрлар тайёрлаш ва уларни жаҳоннинг ётачки турдош корхоналарида малакаларини оширишга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Муродулла ҒАФУРОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

СПОРТ: ФУТБОЛ

ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗНИНГ ЎЗИГА КЕЛГАН РОСТ БЎЛДИ

Вьетнамнинг Ханой шаҳрида ўтказилаётган олимпиада уйинлари Осмё саралаш турнирининг сўнгги босқич учрашувлари доирасида Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси биринчи баҳсини Сурия олимпиада терма жамоасига қарши ўтказиб, 2:1 ҳисобида галаба қозонди.

Тўғриси, ҳамюртларимиз биринчи бўлимини жуда суст ўтказишди. Уйинлари ҳадеганда қовушавермади.

Бунинг устига, химочиларимиз хатосидан унумли фойдаланган рақиб футболчиси Ясир Шахин 14-дақиқада ҳисобни очди. Бу вазиятда унга тўпни дарвозабон Иброҳим Алма етказиб берганди. Умуман биринчи бўлимда Шерзод Каримов етказиб берган тўпга Кенжа

Тўраев бош билан ноаниқ зарба йўллаган ҳолатдан бўлак, айтарли хавфли вазият ҳам бўлмади. Шунингдек, рақиб футболчилари ҳам галабага аризуғлик даражада яхши ҳаракат қилишмади.

Иккинчи бўлимда Вадим Абрамов Даврон Ҳошимов ўрнига Владимир Козакни, Иван Нагаев ўрнига Олег Зотеевни, Шерзод Каримов ўрнига Темуруҳжа Абдухали-

қовни майдонга туширди. Бу ўзгартиришлар ўз самарасини берди. 74-дақиқада ён чизикдан ташланган тўпни Абдухаликов боши билан Тўраевга узатди. Кенжа ҳам тўпга бош билан зарба бериб, ҳисобни тенглаштирди.

85-дақиқада сурияликлар жуда қулай вазиятга эга бўлишди. Акбар Тўраев бирга-бир вазиятда йўлланган зарбани қайтарди. Тўпга биринчи бўлиб рақиб футболчиси етиб келди, аммо бўш қолган дарвозани нишонга ололмади. Уч дақиқадан сўнг Владимир Козак «марказдан оширган тўпни Олег-Зотеев дарвозабонни ҳам алдаб ўтиб, голга айлантирди. Сен урмасан, сенга уришди!

Сурия ва Уммон олимпиадачиларининг ўзаро уйинида 1:1 ҳисоби қайд этилганди. Вакилларимизга 2:1 ҳисобда ютқан сурияликларда кейинги босқичга чиқиш учун имконият қолмади. Сўнгги уйинни олимпиадачиларимиз уммонликларга қарши ўтказишди. Бу баҳзда бизга дуранг натижа ҳам етарли бўлади.

Тўғриси, кўтчилик хатто рақибларимиз ҳам бизнинг олимпиадачиларимиз ушбу босқичдан осонгина ўтишини тахмин қилиб, 23 апрель кунги Англиянинг Ковентри шаҳрида ўтказилган плей-офф учрашувида Африка вакили – Сенегал олимпиада терма жамоаси билан

кечадиган учрашув ҳақида ўйлашни бошлаганди. Аммо гувоҳ бўлганимиздек, масала ечимини унча енгил эмас экан.

Бош мураббий учрашувдан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида айтишча, гуруҳ беллашувларида Ироқ олимпиадачиларидан учралган мағлубиятдан сўнг шогирдларига нимадир бўлганмиш. Шундан буён футболчилар ўзларига кела олишмаётган экан. Нима бўлган бўлса ҳам тезроқ ўзларига келишсин. Балки мазкур галаба уларнинг ўзларига келишига сабаб бўлар. Акс ҳолда, сарфланган шунча куч, саъй-ҳаракатлар — ҳаммаси бекор кетади.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

БАРКАМОЛ АВЛОД — АҲДОДЛАРГА СОДИҚ, ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ

Президентимиз ташаббуси билан жорий йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном берилишида катта маъно бор. Жамиятимизнинг муҳим бўлини бўлиши оилага алоҳида эътибор бериш ва уни ҳар қандай мафқуравий таҳдидлардан асраб-авайлаш бугуннинг асосий вазифаларидан биридир. Зеро, эртамиз эгалари бўлган баркамол авлод айнан оилада вояга етади.



■ **Йўлдош СУЮНОВ,**
Республика маънавият тарғибот маркази Самарқанд вилояти бўлими раҳбари.

Ёшлар ҳам ниҳол кабир. Шу боис, уларнинг тарбияси, таълим олишида эҳтиёткорлик муҳим аҳамиятга эга. Ёшларимиз ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун замон билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлиши билан бир қаторда, аждодларимиз томонидан яратилган бой маънавий мероснинг собитқадам давомчилири бўлишлари лозим.

Бъзда гарбдан мафқуравий хуруж сифатида «узатилаётган» «оммавий маданият»нинг кўринишларини учратиш қоламиз. Бу бизнинг миллий кадриятларимизга қаратилган таҳдиддир. Шу сабабли, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси «оммавий маданият»нинг ҳар қандай кўринишига қарши кураш олиб боришлари шарт.

Президентимиз Ислам Каримов «Ожас маънавият — энгилмас куч» асарига таъкидлайди: «Табиийки «оммавий маданият» деган ниҳол остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гоғларини тарқатиш, кенрақ бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик ортириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва кадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришига қаратилган хатарли таҳдидлар одамни таъшишига солмай қўймайди. Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл

маънавий кадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб бормоқда».

Ана шундай вазифалардан келиб чиққан ҳолда вилоятдаги ўқув ва меҳнат жамоаларида «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилотлари, Хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда доимий равишда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ёшлар онгига «оммавий маданият»га қарши турувчи иммунитетни пайдо қилиш жараёнида миллий кадриятларимиз, шарқона одоб-ахлоқ меъёрларини кенг тарғиб этадиган маърузалар, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, миллий гоғ тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда республика ҳамда вилоятдаги бошқа мутасадди ташкилотлар ҳам фаол жалб қилинмоқда. Яқинда Республика Миллий гоғ ва мафқуравий илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда жойларда «Дунёнинг мафқуравий манзараси» мавзусида семинар-тренинглар ўтказилди. Унинг доирасида ҳозирги даврда дунёнинг мафқуравий манзараси қандай тус олаётгани, глобаллашув жараёнида ёшлар онгига мафқуравий им-

мунететни шакллантириш вазифалари, «оммавий маданият»нинг шарқона одоб-ахлоқ меъёрларига солаётган таҳдиди, миллий гоғ тамойиллари ва маънавият асосларини тарғиб этишнинг долзарб вазифалари кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, ёшларнинг Самарқанднинг тарихий обидалари — Регистон, Бибиҳоним, Шоҳи Зинда, Гури Амир каби меъморилик ёдгорликларига, музей ва қадамжоларга саёҳатларини тез-тез ташкил этиб турибмиз. Бу тадбирлар ҳам ёшларда аждодларимизга нисбатан меҳр-муҳаббатни уйғотиши табиий. Шунингдек, ўқув муассасаларида янги китоблар тақдимотлари ўтказиш ва китобхонлар анжуманларини ташкил этиш янхи анъанага айланган.

Ўтказилаётган тадбирлар ёшларга шарқона одоб-ахлоқ меъёрлари, миллий урф-одатлар, анъаналар, удумларнинг аҳамиятини очиб беришга хизмат қилаётир. Шунингдек, буюк аждодларимиз томонидан бунёд этилган меъморилик обидаларининг жаҳон тамаддунидаги ўрнини англашга, ёш авлод қалбига Ватан туйғусини шакллантиришга, мустақил мамлакатимизнинг йигирма йиллик тараққиёти давомида халқимиз эришган ютуқлар билан фахрланиш ҳиссини уйғотишга катта эътибор берилмоқда.

Бундай маънавий-маърифий тадбирлар ёшларда «оммавий маданият» гоғларига қарши тура оладиган иммунитет ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Сурдарё Вилояти

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг йирик лойиҳаси — «Биз — бир жамоа, биз — бир оила» номли акция бошланди. Акциянинг дастлабки тадбирлари Сурдарё вилоятида бўлиб ўтди.

«БИЗ — БИР ЖАМОА, БИЗ — БИР ОИЛА»

Гулистон давлат университетида бўлиб ўтган тадбирда қатнашган ёшлар ижтимоий фаолиги, ташаббускорликларини намойиш этидилар. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ёшларга қаратилган лойиҳалари билан яқиндан танишдилар. Акция доирасида «Республика ёшларини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ» ва қатор муассасалар билан ҳамкорликда «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди. Унда 100 тадан ортиқ корхона, ташкилот, мактаб ва касб-хунар коллежлари иштирок этиди. Ярмаркада 1000 нафардан зиёд ёшлар қатнашди.

— Биз коллеж ва олийгоҳларни битираётган ёшларга бўш иш ўринларини тақлиф этидик, — дейди Гулистон тумани ҳокимлиги бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бош мутахассиси Солижон Жўраев. — Коллеж ва олийгоҳни тамомлаётган 10 нафар ёш корхона ва ташкилотлар билан шартнома тузиб, биз тақлиф этаётган иш ўринларида доимий ишлаш истакларини билдиришди.

«Биз — бир жамоа, биз — бир оила» акцияси доирасида «Ёшлар журналистика тараққиёти» мавзусида тренинг ҳам ўтказилди.

Вилоят марказида эса «Ёшлар ташаббуслари форуми» бўлиб ўтди. Тадбирда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган «Соғлом ёшлар» акцияси ўтказилди. Шунингдек, «Ҳаёт учун» марафони ҳам ташкил қилинди.

Акция сўнгига Олим Ҳўжаев номли мухикали драма театрида «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, «Келажак овози» танлов гоғлилари, «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали лауреатлари иштирокда концерт намойиш этилди. Тадбирларда фаол қатнашган йигит-қизлар эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

АЁЛ — ФАОЛ, ШИЖОАТЛИ, ТАДБИРКОР

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётининг муҳим йўналишларидан биридир. Ушбу соҳа тараққиётида хотин-қизларнинг, хусусан, тадбиркор аёлларнинг ҳиссаси катта. Тадбиркорликка аёлларни кенг жалб этишнинг ўзинга хос томонлари бор. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ихчам, бозор ўзгаришларига мослашувчан, муҳими, кичик сармоя билан иш бошлаш, фаолият юритиш мумкин. Кейинги йилларда тадбиркор аёллар фаолиги, уларнинг иқтисодиёт ривожлантиришдаги улуши кўзга ташланмоқда.

«Тадбиркор аёллар» — Ўзбекистон Республикаси ишбилармон аёллар ассоциациясида аёлларни тадбиркорликка кенг жалб этишга бағишланган матбуот анжуманида ҳам шулар ҳусусида сўз юритилди.

Тадбирда Ўртабощимиз раҳнамолигида мамлакатимизда маъруза соҳага берилаётган эътибор самараси ўлароқ, ушбу секторнинг иқтисодиётдаги улуши ўтган йилда 54 фоизни ташкил этгани, республикамизда бугунги кунда фаолият олиб бораётган 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларининг 150 мингдан ортиғида аёллар раҳбарлик қилаётган алоҳида эътироф этилди.

— Ассоциациямиз 14 та ҳудудий, 78 та туман ва шаҳар бўлимлари орқали 8 мингдан зиёд аёлларни бирлаштирган, — дейди Республика «Тадбиркор аёллар» ассоциацияси раисаси Гулнара Махмудова. — Бугун ўзбек аёли олима, шифокор, мураббий, ўқитувчи, сёғсатчи бўлиш билан бирга, иқтисодиётимизнинг таяни бўлган хусусий секторни ривожлантиришда ҳам фаолият кўрсатмоқда, десак муболага бўлмайди. Эътиборли жиҳати шундаки, аёлларимиз орасида қатъиятли, аниқ мақсад, тақлиф билан ташкилотимизга келаятган сони кун сайин ортиб бормоқда. Жорий Мустаҳкам оила йилида ана шундай ташаббускор аёлларимиз билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни режалаштирганмиз. Яъни ахборот-ўқувлари ташкил этиш, кичик бизнесни молиялаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги технологияларни ўзлаштириш, аёллар таъши иқтисодий фаолиятини ривожлантириш, аёллар раҳбарлик қилаётган корхоналар экспорт салоҳиятини кўтартишга кўмаклашиш каби вазифаларни янги босқичда давом эттирамиз.

Шунингдек тадбирда, мамлакатимиздаги иқтисодий тараққиёт босқичида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бу каби тадбирлар олиб борилаётган кенг қўламли ишлар келгусида тадбиркорликни энди бошлаётган ва бизнесни ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган аёлларга имкониятлар эшигини очиши аниқ.

Гулнара ТУРҲУҒОНОВА,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Бухоро Вилояти



СПОРТСЕВАР ОИЛА

Замира Санақулова — гимнастика бўйича мамлакатимиз ҳамда халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаятган ёш спортчилардан. У Бухоро шаҳридаги 5-иктисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпий заҳиралари спорт мактаби «Нафис» бадий гимнастика саройида 9 ёшдан бун шгулланади. Бадий гимнастика бўйича 5 қарра Ўзбекистон чемпиони унвонини, 2010 йил Хитойда ўтган Осиё ўйинларида иккинчи ўринни, 2011 йил Россия ва Францияда ўтган халқаро турнирларда олтин медалларни қўлга киритган.

Бунинг боиси — Замира спортсевар оила-сида камол топаётир. Отаси, Бахтиёр Санақулов Бухоро вилояти газначилик бошқармасида бош мутахассис, стол теннисини янхи кўради. Бухоро шаҳридаги 14-умумтаълим мактабида она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берадиган онаси Дилшода Абдуллаеванин бадминтонга меҳри балад. Замиранин укаси Буюкбек ҳарбийлик касбини танлаган — шаҳардаги 19-иктисослашган умумтаълим мактаби қошидаги ҳарбий-спорт гуруҳи тарбияланувчиси.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

МАМЛАКАТИМИЗ СОЛИҚ
ТИЗИМИГА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ
КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ
СОҶА ХОДИМЛАРИ ВА
СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР
УЧУН КЎПЛАБ
ИМКОНияТЛАР ҲАМДА
ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТДИ.



СОЛИҚ ТИЗИМИДА ИНТЕРФАОЛ ХИЗМАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси-
нинг "Электрон рақамли имзо
тўғрисида"ги Қонуни ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Ва-
зирлар Маҳкамасининг "Давлат
ва ҳўжалик бошқаруви, маҳал-
лий давлат ҳўкимияти орган-
ларининг ахборот-коммуника-
ция технологияларидан фой-
даланган ҳолда юридик ва жи-
смоний шахслар билан ўзаро
ҳамкорлигини янада тақомил-
лаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида"ги қарорига асосан
Давлат солиқ қўмитаси томон-
идан солиқ тўловчилар учун
кулай ва сифатли интерфаол
хизматлар тақдим этилмоқда.

Шулардан бири электрон
солиқ ҳисоботларини қабул
қилиш ва қайта ишлаш, элект-
рон солиқ ҳисоботини жўнатиш
хизматларининг кенг йўлга
қўйилганлигидир. Эндилкида
корхона ва ташкилотларнинг
мугасадди ҳодимлари ҳар ҳисоб-
от топшириш даврида тегиш-
ли ДСИларга қатнаб, узоқ нав-
батда туриб ҳисобот топшириш
ўрнига интернет тармоғига
уланган ҳолда ўз ҳисоботлари-
ни тегишли Давлат солиқ ин-
спекцияларига электрон кўри-
нишда тақдим этишлари мум-
кин. Махсус калит ёрдамида
амалга ошириладиган бу хиз-
мат турига уланган солиқ тўло-
вчиларнинг барча маълумотла-
ри Давлат солиқ инспекцияла-
ри томонидан сир тутилиши
кафолатланган.

Бўҳоро вилоятида ҳам бу бо-
рада қатор ишлар амалга оши-
рилмоқда. Хусусан, жойларда
солиқ тўловчиларга электрон
кўринишдаги ҳисоботларни тақ-
дим этиш дастуридан фойдала-
ниш тартибини тушунириш юза-
сидан вилоят Давлат солиқ хиз-
мати идоралари томонидан тур-
ли семинарлар ўтказиб келин-
моқда. Уларда электрон солиқ
ҳисоботларини қабул қилиш ва

қайта ишлаш, электрон солиқ
ҳисоботини жўнатиш хизматла-
ри афзалликлари, уни ишлаш
тартиби хусусида батафсил ту-
шуниришлар берилаяпти.

Ҳозирда вилоятнинг барча
шаҳар ва туман Давлат солиқ
инспекцияларида электрон им-
зога эга солиқ тўловчилардан
ҳисоботларни электрон усулда
қабул қилиш ишлари намуна-
ли йўлга қўйилган. Вилоят Дав-
лат солиқ бошқармаси ва унинг
худудий бўлинмалари ҳодим-
лари томонидан электрон тар-
тибда ҳисобот топшириш ва
интерфаол хизматлардан фой-
даланишнинг афзалликларини
кенг оммага етказиш мақсади-
да ОАВ билан ҳамкорликда
тарғибот-ташвиқот ишлари
олиб борилмоқда.

Электрон имзога эга бўлиш
ва орқали иш бажариш ҳар
иккала томон учун ҳам қўлай,
ҳам тежамкорлиги билан эъти-
борга лойиқ. Маълумки, ҳисоб-
ботлар электрон кўринишда
топширилганда арифметик ха-
толарга йўл қўйилмайди. Му-
ҳими, уни куннинг исталган пай-
тида солиқ идорасига бормас-
дан, узатиш имкони мавжуд.

Юборилган ҳисоботлар ви-
лоят Давлат солиқ идоралари
худудий бўлинмалари томонидан
ўрганилиши чоғида хатолик ва
чалқашликларга йўл қўйилгани
аниқланган ҳолатларда ДСИлар
томонидан изоҳлар берилган
ҳолда солиқ тўловчига элект-
рон тарзда қайтарилди. Шу
билан бирга, электрон имзога
эга жисмоний шахслар ҳам
ўзлари тўлаган солиқлар ҳақида
маълумотлар олишади.

Бундан ташқари, солиқ
тўловчилар интернет орқали
солиқ тизимидаги сўнгги анги-
ликлар ва ўзгаришлар, солиқ
қонунчилиги борасидаги керак-
ли маълумотлар, бюджет ва
бюджетдан ташқари мақсадли

жамғармалардан мавжуд қарз-
дорликлар тўғрисида таққосла-
ма далолатнома, шахсий ҳисоб
варақдан нусха, юридик шахс-
ларнинг сўровига асосан ҳўжа-
лик юритувчи субъектларнинг
текиришлар режа-жадвалидан
кўчирма олишлари ҳам мумкин.

Шу ўринда электрон рақам-
ли имзо қаердан, қандай қилиб
олинади, деган ҳақли савол ту-
ғилиши табиий. Солиқ тўловчи-
лар электрон рақамли имзони
ўзлари рўйхатдан ўтган Давлат
солиқ инспекциясидан олишля-
ри мумкин. Хат билан мурожаат
қилган юридик ёки жисмоний
шахсларга ДСИ масъул ҳодим-
лари Давлат солиқ қўмитаси
Янги технологиялар илмий ах-
борот марказидан электрон ра-
қамли имзо калитларини олиб
беришади. 2010 йил 1 январ-
дан бошлаб электрон рақам-
ли имзо учун белгиланган тар-
тибда тўловлар жорий этилган
бўлиб, унга кўра, бюджет кор-
хоналари бепул, деҳқон ва
фермер ҳўжалиқлари энг кам
иш ҳақининг 10 фоизи, бошқа
ҳўжалик юритувчи субъектлар
эса энг кам иш ҳақининг 20
фоизи миқдоридан Янги техно-
логиялар илмий ахборот мар-
казининг ҳисоб рақамига тўло-
вни амалга оширишганидан
кейингина ушбу хизмат туридан
фойдаланишлари мумкин бўла-
ди. Электрон рақамли имзо ка-
литлари билан бирга улардан
фойдаланиш йўриқномалари ҳам
тақдим этилади.

Электрон рақамли имзо
солиқ тўловчи субъектга 1-2
йилгача мuddатларда берила-
ди ва ушбу мuddат тугагач,
солиқ тўловчи рўйхатга олин-
ган ДСИ томонидан янгитдан
берилади.

Аваз РАҲАБОВ,
Бўҳоро вилояти Давлат
солиқ бошқармаси бўлим
бошлиғи.

КАРТОГРАФИК ҲУЖАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

ҲАЁТИМИЗНИНГ БАРЧА СОҶАЛАРИДА
ГЕОДЕЗИЯ-КАРТОГРАФИЯ ХИЗМАТИГА ТАЛАБ
ЖУДА ЮҚОРИ. БУГУНГИ ТЕЗКОР ТАРАҚҚИЁТ,
ТЕХНИКА РИВОЖЛАНИШИ ХАРИТАЛАРНИ ЯНАДА
МУКАММАЛЛАШТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТАЁТИР.

Жумладан, замон талабларига жавоб берадиган мавзули
хариталарни тузиш, уларни халқ ҳўжалигига қўллаш зарурати
юзага келаётир. Мавзули хариталардан бири топографик хар-
италардир. Улар аниқлиги, маълумотларга бойлиги, ишонч-
лилиги ҳамда тузилиши жиҳатдан бошқа хариталардан ажра-
либ туради. Асосан йирик масштабларда тузиладиган топогра-
фик хариталар асарият ҳолларда бошқа хариталар учун асос
бўлиб хизмат қилади.

Соҳага замонавий технологияларни қўллаш, картографияни
автоматлаштириш борасида мутахассислар томонидан кўп из-
лашлар қилинмоқда, компьютерларда хариталар тузилиб,
нашр қилинмоқда. Ландшафтларни топографик хариталарда тўла
акс эттириш бугуннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Топографик хариталар тузишда ландшафтларнинг пухта иш-
ланган, илмий ва мантиқий талабларга тўлиқ жавоб берадиган



таснифлаш (классификация) жадвалини тузиб олиш жуда катта
аҳамиятга эга. Чунки ер юзидан учрайдиган хилма-хил ланд-
шафтларнинг бир-бирига ўхшаш ёки фарқ қиладиган томон-
ларини аниқлаб, ҳар бири маълум бир тартибда туширилмаса,
уларни тўғри тадқиқ қилиш мумкин бўлмайди. Негаки, ҳар
бир ландшафт ўзига хос географик хусусиятга эга. Лекин
бир вақтнинг ўзидан у қайсидир типологик ландшафтлар маж-
муасининг бир қисmidир. Ер юзасида иккита бир хил ланд-
шафтни топиб бўлмайди. Масалан, Марказий Қизилқум паст
тоғлари ва уларга туташиб кетган пролювиал текисликлар ўзига
хос экзоген жараянлар ҳамда улар билан боғлиқ бўлган турли
рельеф билан таърифланса, жанубдаги ландшафтлар икки —
текислик ва тоғ ландшафтлари синфига бўлинади. Майдон
жиҳатидан текислик ландшафти тоғ ландшафтидан кўпроқ жой-
ни эгаллайди. Ландшафт хилларига қумли чўл тупроқли оқ
сақсовуллар ландшафти, қумли чўл тупроқли эфемерлар ара-
лашган псаммофит бутазорлар ландшафтини мисол келтириш
мумкин.


Марказий Осиёда аливиал текисликлар ландшафтлари, ден-
гиз текисликлари ландшафтлари, пролювиал текисликлар ланд-
шафтлари бўлиб, уларни топографик хариталарда акс эттириш
долзарб вазифалардан. Маълумки, топографик хариталар масш-
таби, мақсади, вазифаси ва тузилиши билан ажралиб туради.

1:25 000, 1:50 000, 1:100 000 масштабли топографик хар-
италар жойни баҳолаш ва аниқ ўрганиш, ориентирлаш, халқ
ҳўжалиги ва мудофаа ишларини амалга ошириш, инженерлик
иншоотларини режалаштириш ва лойиҳалаштиришда, шунинг-
дек, картометрияк ўлчов ишларини олиб боришда қўлланил-
моқда.

Илҳомжон МУСАЕВ,
Тошкент Ирригация ва
мелиорация институтини доценти,
техника фанлари номзоди.

▼ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

УЛУШНИ МУЛК ҚАНДАЙ ТАҚСИМЛАНАДИ?



Улушли мулкдаги мол-мулкни тақсимлаш
ва ундан улуш ажратиш ҳақида тушунча
берсангиз.

Чилонзор тумани

Д.Ҳайдарова

Улушли мулкдаги иштирокчи ўз улу-
шини талаб қилишга ҳақли. Талабгор-
лар умумий мол-мулкни тақсимлаш ёки
улардан бирининг улушини ажратиш
усули ва шартлари тўғрисида келишув-
га эриша олмасалар, улушли мулк иш-
тирокчиси ўз улушини асл ҳолида аж-
ратиб беришни суд орқали талаб қили-
ши мумкин.

Агар улушни асл ҳолида ажратиб
олишга қонун йўл қўймася ёки уни

умумий мулк бўлган мол-мулкка но-
мутаносиб зарар етказмасдан ажратиб
олиш мумкин бўлмаса, ажралиб чиқа-
ётган мулкдор улушли мулкнинг бош-
қа иштирокчилари томонидан улуши-
нинг қиймати тўланишини талаб қилиш
ҳуқуқига эга бўлади.

Улушли мулк иштирокчисига асл
ҳолида ажратиб берилмаётган мол-
мулкнинг унинг мулк ҳуқуқидоғи улу-
шига номутаносиблиги тегишли пул

суммасини тўлаш ёки бошқача ко-
мпенсация тўлаш йўли билан бартараф
этилади.

Улушли мулк иштирокчисига унинг
улушини асл ҳолида ажратиб бериш
ўрнига бошқа мулкдорлар томонидан
компенсация тўланишига иштирокчи-
нинг розилиги билан йўл қўйилади.
Мулкдорнинг улуши арзимас бўлган,
амалда ажратиб берилиши мумкин
бўлмаган ва у умумий мол-мулкдан фой-
даланишдан катта манфаатга эга бўлма-
ган ҳолларда суд ушбу мулкдор рози-
лик бермаган тақдирда ҳам улушли
мулкнинг қолган иштирокчилари зим-
масига мажбур мулкдор компенсация
тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин.

Мулкдор компенсация олгандан
кейин умумий мол-мулкдаги улушига

бўлган ҳуқуқини йўқотади.

Яна шунини таъкидлаш керакки, ҳоми-
ла бўлган, бироқ ҳали туғилмаган ме-
росхўр бўлса, меросни тақсимлаш бун-
дай меросхўр туғилганидан кейинги-
на амалга оширилиши мумкин.

Агар меросхўр ҳали туғилмаган
бўлса, қолган меросхўрлар унга те-
гишли бўлган мерос улушини ажрат-
ган ҳолдагина меросни тақсимлашни
амалга оширишга ҳақлидирлар. Ме-
рос тақсимотида чақалоқнинг манфа-
атларини ҳимоя қилиш учун васийлик
ва ҳомилий органининг вакили так-
лиф этилиши лозим.

Иқромжон ИСМОИЛОВ,
Юнусобод тумани 6-сон
Давлат нотариял идораси
нотариуси.



«KCHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Хоразм вилояти, Янгйбозор тумани ҳокимининг 2011 йил 13 августдаги 339-сонли, 2011 йил 14 сентябрдаги 381-сонли, 2011 йил 17 сентябрдаги 339-сонли ва 2011 йил 26 октябрдаги 529-сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга такоран қўйилмоқда:

1. Хусусий чойхона ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун, Янгйбозор тумани, Оёқдўрман қишлоғи, Халқобод маҳалласи, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 330 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 96 683 сўм.

2. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Оёқдўрман қишлоғи, Халқобод маҳалласида жойлашган, 1 дона, 330 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 96 683 сўм.

3. Кичик технологияли ишлаб чиқариш объекти қуриш учун, Янгйбозор тумани, Чўболончи қишлоғи, Олтинкўл маҳалласи, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 2 дона, ҳар бирининг алоҳида 500 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 145 170 сўм.

4. Кондитер ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бинолари қуриш учун, Янгйбозор тумани, Башкирших қишлоғи, Жайхўн маҳалласида, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, ҳар бирининг алоҳида 300 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 87 102 сўм.

5. Сартарошхона қуриш учун, Янгйбозор тумани, Уйғур қишлоғи, Хайбат маҳалласида жойлашган, 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 43 551 сўм.

6. Пойабзалларни таъмирлаш устaxonаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Уйғур қишлоғи, Хайбат маҳалласида жойлашган, 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 43 551 сўм.

7. Оҳақ пишириш цехи қуриш учун, Янгйбозор тумани, Оёқдўрман қишлоғи, Халқобод маҳалласида жойлашган, 1000 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 290 340 сўм.

8. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Оёқдўрман қишлоғи, Оёқдўрман маҳалласида жойлашган, 2 дона, ҳар бирининг алоҳида 300 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 87 102 сўм.

9. Ҳаммом ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Бошқирших қишлоғи, Шихлар маҳалласида жойлашган, 1 дона, 300 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 87 102 сўм.

10. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Ширинлар қишлоғи, Ширинлар маҳалласида жойлашган, 450 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 130 653 сўм.

11. Умумий овқатланиш шохобчаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Ширинқўнор қишлоғи, Очақалы маҳалласида жойлашган, 300 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 87 102 сўм.

12. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Бўзқалъа қишлоғи, Бўзқалъа-1 маҳалласида жойлашган, 1 та 200 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 58 068 сўм.

13. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Боголон қишлоғи, Миньбоғолон маҳалласида жойлашган 1 дона, 300 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 87 102 сўм.

14. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Боголон қишлоғи Катли маҳалласида жойлашган 2

«KCHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

дона, ҳар бири алоҳида 500 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 145 170 сўм.

15. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Оёқдўрман қишлоғи, Уйрат маҳалласида жойлашган 1 дона, 450 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 130 653 сўм.

16. Савдо шохобчаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Оёқдўрман қишлоғи, Уйрат маҳалласида жойлашган 1 дона, 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 43 551 сўм.

17. Радиотехникаларни таъмирлаш устaxonаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Бўзқалъа қишлоғи, Бўзқалъа-1 маҳалласида жойлашган 1 дона 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 58 068 сўм.

18. Аёллар ва эркаклар сартарошхонаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Бўзқалъа қишлоғи, Бўзқалъа-1 маҳалласида жойлашган, 1 дона 200 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 58 068 сўм.

19. Суратхона қуриш учун, Янгйбозор тумани, Бўзқалъа қишлоғи Бўзқалъа-1 маҳалласида жойлашган, 1 дона 200 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 58 068 сўм.

20. Тикучилик цехи қуриш учун, Янгйбозор тумани, Қаландардўрман қишлоғи, Бўстон маҳалласида жойлашган, 1 дона 200 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 58 068 сўм.

21. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Қаландардўрман қишлоғи, Бўстон маҳалласида жойлашган, 1 дона 200 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 58 068 сўм.

22. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Оёқдўрман қишлоғи, Оёқдўрман маҳалласида жойлашган, 2 дона ҳар бирининг алоҳида 300 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 87 102 сўм.

23. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Уйғур қишлоғи, Х.Олимжон маҳалласида жойлашган, 2 дона ҳар бирининг алоҳида 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 43 551 сўм.

24. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Уйғур қишлоғи, Шоирлар маҳалласида жойлашган, 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 43 551 сўм.

25. Кичик технологияли ишлаб чиқариш цехи қуриш учун, Янгйбозор тумани, Уйғур қишлоғи, Шоирлар маҳалласида жойлашган, 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 43 551 сўм.

26. Кичик технологияли ишлаб чиқариш цехи қуриш учун, Янгйбозор тумани, Боголон қишлоғи, Боголон маҳалласида жойлашган, 3 дона ҳар бирининг алоҳида 500 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 145 170 сўм.

27. Кичик технологияли ишлаб чиқариш цехи қуриш учун, Янгйбозор тумани, Боголон қишлоғи, Миньбоғолон маҳалласида жойлашган, 1 дона 500 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 145 170 сўм.

28. Кичик технологияли ишлаб чиқариш цехи қуриш учун, Янгйбозор тумани, Бошқирших қишлоғи, Шихлар маҳалласида жойлашган, 1 дона 500 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 145 170 сўм.

29. Савдо ва шохобчаси қуриш учун, Янгйбозор тумани, Бошқирших қишлоғи Шодлик маҳалласида жойлашган, 1 дона 150 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 43 551 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Янгйбозор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарозолик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарозолик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов солиғи танлов мажбуриятларни бажариш 2012 йил декабрь ойи-

гача амалга оширилиши лозим. Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 13 апрель куни соат 18.00 да тўختатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун бюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридида закатлатни закатлат келишувида асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Янгйбозор тумани ҳокимлиги биносисида 2012 йил 16 апрель куни соат 11.00 да очилади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов солиғи деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 16 апрелдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такоррий танлов савдоси 2012 йилнинг 30 апрель ва 7 май кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такоррий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 30 апрелдаги савдолар учун 27 апрел, 7 майдаги савдолар учун 4 май кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.

Такоррий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Янгйбозор тумани ҳокимлиги биносисидида 2012 йил 30 апрель ва 7 май кунлари соат 11.00 да очилади.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Хоразм вилояти, Хива тумани ҳокимининг 2011 йил 29 августдаги 860-сонли, 2011 йил 12 сентябрдаги 900-сонли, 2011 йил 26 сентябрдаги 973-сонли ва 2011 йил 17 октябрдаги 1045-сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга такоран қўйилмоқда:

1. Бир қаватли маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Хива тумани, Дашёқ қишлоғи, Қорақум аҳоли пункти, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 20 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 41 870 сўм.

2. Сартарошхона биноси қуриш учун, Хива тумани, Дашёқ қишлоғи марказида жойлашган 1 дона, 30 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 710 сўм.

3. Электр асбобларни тузатиш устaxonаси қуриш учун, Хива тумани, Дашёқ қишлоғи марказида жойлашган, 1 дона, 60 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 710 сўм.

4. Электр асбобларни тузатиш устaxonаси қуриш учун, Хива тумани, Дашёқ қишлоғи марказида жойлашган, 1 дона, 60 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 710 сўм.

5. Электр асбобларни тузатиш устaxonаси қуриш учун, Хива тумани, Дашёқ қишлоғи марказида жойлашган, 1 дона, 60 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 710 сўм.

6. Электр асбобларни таъмирлаш устaxonаси қуриш учун, Хива тумани, Соёт қишлоғида жойлашган, 1 дона, 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 15 148 сўм.

7. Этиқдўзлик устaxonаси қуриш учун, Хива тумани, Соёт қишлоғида жойлашган 1 дона, 30 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 9 088 сўм.

8. Дорихона биноси қуриш учун, Хива тумани, Соёт қишлоғида жойлашган, 1 дона, 60 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 18 177 сўм.

9. Электр асбобларни таъмирлаш устaxonаси қуриш учун, Хива тумани, Соёт қишлоғида жойлашган, 1 дона, 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 15 148 сўм.

10. Этиқдўзлик устaxonаси қуриш учун, Хива тумани, Соёт қишлоғида жойлашган 1 дона, 30 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 9 088 сўм.

